

**Мавзу: Шахсинг камол топишида микро
ва макро муҳитнинг таъсири.**

Режа.

Шахсга ижтимоий муҳитнинг таъсири.

Шахсинг ривожланишида катта ва кичик
гуруҳларнинг таъсири.

Шахсга таъсир этувчи объектив ва субъектив
омиллар.

Атроф-муҳит ҳақида тушунча.

- Ўзининг менлигини
англаган, жамиятга
фойдаси тегадиган,
одамлар билан муносабатга
ва мулоқотга кириша
оладиган ҳар қандай
индивидни шахс деб аташ
мумкин.

- Инсоннинг бутун ҳаёти жамиятда, унинг бошқа инсонлар билан турли хилдаги алоқаларида бўлиши асосида кечади. Ҳар бир шахс жамиятдан ажралган ҳолда бошқа кишилар билан алоқа қилмасдан, ижтимоий муносабатлардан ташқарида яшай олмайди. Бу муайян жамият аъзоси бўлган шахсни тарбиялайди, уни маънавий жиҳатдан бойитади ва сиёсий онгини ўстиради.

- Шахс жамиятда шаклланиб, камол топади. Унинг ривожланишига табиат қонунлари, жамият қонунлари, шу билан биргаликда ижтимоий, иқтисодий қонуниятлар ҳам узвий таъсир этади. Аммо бу жараёнга бир томонлама қараш керак эмас, чунки жамиятнинг маҳсули бўлган шахс унинг ривожига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам шахснинг характери, қизиқиши, қобилияти, фаоллиги, интеллектининг ривожланиш эҳтиёжи, меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги ва бошқа шахсий белгилари у яшаётган сиёсий тузумга боғлиқ бўлади.

- Шахснинг жамиятга таъсири мақсадсиз, режасиз, кўр-кўрона фаолият орқали амалга ошмайди. Инсон ижтимоий қонунларни, ўз ҳаёт шароитларини билиб олгандан кейин, маълум мақсадга қаратилган амалий фаолият кўрсатиш йўли билан ижтимоий муҳитни, жамиятни ўзгартирувчи комил инсонга айланади.

- Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида тан олиниши, яъни шахс номини олиши учун **унга ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва маънавий-ахлоқий тарбия** керак. Инсоннинг таълим-тарбиясида уни ўраб турган **муҳит** етакчи роль ўйнайди, шундай экан, оила, таълим-тарбия муассасаларидаги муҳит (ижтимоий муҳит) соғлом бўлса, ёшларнинг ижтимоий сифати, тайёргарлик даражаси ва билими юқори бўлади.

- Зеро таълим – тарбия муассасаларидаги ижтимоий муҳит соғлом бўлса, талабаларнинг ижтимоий сифати, тайёргарлик даражаси, билими, савияси ҳам юқори бўлади. Бу эса ёш, мустақил давлатимизнинг келажакдаги етакчи кучи – ёшлар тарбияси (комил инсон тарбияси) да ниҳоятда муҳим.

- Шахс - таълимнинг объекти сифатида жамиятнинг **объектив қонунларига** бўйсунди. Объектив қонунларни субъектив омиллар асосида ўзгартириб бўлмагани сингари шахснинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Ҳар бир шахс ижтимоий ҳаётда шахслараро муносабатда у ёки бу даражада иштирок этади. Шундай экан, шахснинг жамиятдаги иштирокини **объектив ҳодиса** сифатида таъкидлаш зарур.

● Инсон жамият қонунларини, ижтимоий-иқтисодий ва табиат қонунларини билиб олгач, маълум мақсадга қаратилган амалий фаолият кўрсатиш йўли билан ижтимоий-сиёсий муҳитни, жамиятни ўзгартурувчи сиёсий кучга айланади. Инсон фақат тарихий шароит ва унинг маҳсулигина бўлиб қолмай, балки шундай шароитларнинг яратувчиси ҳамдир. Ижтимоий ҳаёт ҳар бир шахснинг ўз бурчини кўр кўрона бажариш эмас, балки унга онгли муносабатда ёндошишни талаб қилади.

● Шахс ижтимоий ҳаётнинг **субъекти** сифатида жамиятда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқ бўлмайди, балки уни англаб етишга ҳаракат қилади ва жамият сиёсий ҳаётида маълум ролларни бажаради. У **сайловларда сайловчи** сифатида овоз беради, сайлаб қўйиладиган турли органлар, жамоат ташкилотларининг ишларида қатнашади ва уларга ўз муносабатларини билдиради. Буларнинг барчаси шахснинг ижтимоий субъект сифатидаги роли ва аҳамиятни оширади. Шахснинг онгини ўзгартирмасдан туриб, янгича фикрлаш, иқтисодиётда, бошқарувда, таълим-тарбияда, маданий-маънавий ва ижтимоий сиёсий соҳада бирон-бир ўзгариш қилиш мумкин эмас.

● Мухит – бу

одамларга таъсир

кўрсатадиган ташқи

воқеаларнинг

йиғиндисидир.

- Инсон камолотида ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврларда турлича бўлади, турли ижтимоий гуруҳларга ҳам турлича таъсир этади. Шундай экан, замонавий педагогика фани муҳитга унинг инсон ривожланишидаги таъсирининг ролига алоҳида эътибор беради.

- **Гуруҳ**- бу майян белгига қараб биргаликда фаолият олиб боришга ва унинг характериға, ташкил топиш хусусиятлари ва шу кабилар асосида ажралиб турадиган инсоний бирликдир.

- Гуруҳлар икки турда **катта** ва **кичик** гуруҳларга бўлинади – ўз навбатида улар ҳам **реал** (боғланган), **шартли формал** (расмий) ҳолда, **ноформал** (норасмий) гуруҳларга, **ривожланиш даражаси** ҳам хилма-хил бўлган, **ривожланган** (жамоалар) ва **кам ривожланган** гуруҳларга (корпорация, компания, уюшмалар, бирлашмаларга) бўлинади. **Катта гуруҳ** – катта миқдордаги аъзоларга эга бўлган, турли алоқалар хилларига асосланган ижтимоий гуруҳлардир.

● **Кичик гуруҳлар** ҳам шахснинг шаклланишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Ҳар бир шахс доимо маълум ижтимоий гуруҳлар таъсирида фаолият кўрсатади. Бу унинг **ишхонаси, оиласи, кўчадаги норасмий гуруҳлардаги ўртоқлари давраси, ўқув жамоаси ва ҳоказолар**. Шахснинг яққа ва турли гуруҳлар доирасида ўзини тутиши, ҳулқ атвори, мавқеи, унга ўзига хос гуруҳий таъсирлар гуруҳдаги **шахслараро мослик, лидерлик, етакчилик, гуруҳий тазйиққа берилувчанлик** каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, соғлом, ўзаро муносабатлар шароитини яратиш — бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир.

● Шахс қайси жамиятда яшаса, ўша жамият ҳаётида мавжуд бўлган ва бўлаётган қонун-қоидаларга асосан камол топади. Шу жамиятдаги моддий, маънавий ва маданий бойликлардан баҳраманд бўлади. Мана шу бойликларни яратишда иштирок этади. Жамиятда яратилган моддий, маънавий ва маданий бойликлар юксак даражада ривожланган бўлса, у шахсга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади ва шахс фаолияти давомида меҳнати орқали ўз моддий, маънавий ва маданий бойлигини яратиш жараёнида онгини, дунёқарашини, ҳаётини, турмуш тарзини ҳам яхшилаб боради.

- Шунинг таъкидлаш жоизки, **ижтимоий муҳит, таълим-тарбияда** шахснинг ўзи фаол иштирок этсагина, ундаги мудроқ лаёқатни уйғотади, қобилият куртакларини ўстиради. Агар ҳар бир шахс ўз касбини яхши кўрса, унинг шу соҳадаги истеъдоди тезроқ ва кучлироқ руёбга чиқа бошлайди. Демак, инсон биологик мавжудот сифатида ҳам таракқий қилади. **Одоб, ахлоқ, ҳулқий сифатлар** – шахснинг барча руҳий белгилари фақат муҳит ва тарбиянинг ўзаро таъсири асосида вужудга келади. Шунинг учун **ирсият** ривожланишга таъсир этади, аммо **ҳал қилувчи омил** бўла олмайди.

● Шахснинг камол топишида объектив шарт-шароитлар етакчи роль ўйнайди. Оила, мактабгача тарбия муассасалар, мактаб, олий ўқув юртлари, ижтимоий сиёсий ташкилотлар, маҳалла сингари **омиллар** ҳам шахснинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Объектив шарт-шароитларни шахсга таъсири субъектив омиллар орқали ўтади. Аммо бу жараёнга бир томонлама қараш керак эмас, чунки жамиятнинг маҳсули бўлган шахс унинг ривожига у ёки бу даражада ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам шахснинг характери, қизиқиши, қобилияти, фаоллиги, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги ва бошқа хислатлари улар яшаётган **ижтимоий муҳитга** бевосита боғлиқ бўлади.

Инсоннинг **ижтимоийлашуви** сунъий мазмун касб этиб, у шахс сифатида бошқа инсонлар ўртасидагина шакллана олади. Агар у инсоний муносабатлардан холи бўлса, ўзидаги ёвузлик ёки ҳайвоний табиатидан холос бўла олмайди. Инсондаги бу табиий хусусиятни Форобий қуйидагича ифодалайди: «**Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган кишиларни бир бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин**».

- У кўрган ва эшитганларини ёдда сақлайди, ўз хаёли, тасаввури, қобилияти, тафаккури воситасида билимларни, маълумот ва ахборотларни таҳлил қилади, умумлаштиради. Уларни трансформациялайди, бошқаларга узатади, билим ва малакаларни такомиллаштиради, ўз мақсадлари, ўз орзу ва истакларини тасаввурлай олади.

● **Атроф муҳит** деганда, инсонни, одамни, индивидни, шахсни бевосита ўраб турган борлиқ тушунилади. Бу борлиққа оила, мактаб, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, турли ижтимоий ташкилотлар ҳамда кўча-кўй ташкил этади.

Атроф муҳитнинг шахсга таъсири ҳар бир конкрет шахснинг ички муҳитидан келиб чиққан ҳолда ўз таъсирини ўтказди. Оддий бир ташқи муҳит таъсири якка бир шахснинг руҳий жиҳатдан ларзага солса, иккинчи бир шахсга умуман таъсир қилмаслиги мумкин. Ҳаётда учрайдиган айрим воқеалар айрим шахсларнинг бутун ҳаёт тарзини ўзгартириб юбориши мумкин. Шу боис, таълим тарбияда ҳар бир якка шахснинг ўзигагина хос бўлган ва ўзигагина мос бўлган жиҳатларини инобатга олган ҳолда ёндашмоқ ва таълим-тарбияни амалга оширмоқ ЛОЗИМ.